



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 4 февраль, сешанба, №13 (3514).



Қозоғистонда матбуот нашрларининг касбий байрами иккинчи йил нишонланмоқда. Байрам санаси – 2 февраль тасодифан танланмаган: 1913 йил шу куни миллий матбуотнинг асосини ташкил этган “Қозоқ” газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди. Халқимизнинг атоқли фарзандлари – Алаш фаоллари томонидан нашр этилган рўзнома тарихнинг бурилиш даврида халқни бирлаштиришда беқиёс ўрин тутди. Бу билан мамлакатимиз даврий матбуотига тамал тоши қўйилди.

Ўтган йили давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев журналистларни табриқлар экан: “Биз матбуотни энг замонавий тарғибот воситаси, Ватан тарихининг энг ишончли солномаси, маънавиятимизнинг битмас-туганмас бебаҳо хазинаси сифатида шакллантиришга ҳаракат қилаёلمиз. Мамлакат босма оммавий ахборот воситалари эса аввалгидек, сўз эркинлиги гоёларига содиқлигини сақлаб қолган ҳолда, ишончли, ҳолис ахборот ва юқори сифатли тахлилий маълумотлар манбаси бўлиб қолмоқда. Матбуотда мустақилликнинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти каби муҳим мавзуларга кенг ўрин ажратилмоқда, газета ва журналларда давлат ва жамиятнинг долзарб масалалари кўтарилиб, турли фикрлар акс эттирилмоқда ва умуминсоний қадриятлар тарғиб қилинмоқда”, деган эди.

Қозоғистонда матбуот тарихи бир асрдан кўпроққа бориб тақалади. Матбуот тараққиётининг асосий босқичлари, дастлабки газеталар саҳифаларида кўтарилган ва муҳокама қилинган масалалар, ўқувчилар билан алоқа қандай йўлга қўйилгани ҳақида маълумот олиш мақсадида Қозоғистон Республикаси Миллий кутубхонасининг “Нодир китоблар ва қўлёзмалар хизмати” бўлими мудираси Гулшат Абиковага мурожаат қилдик.

Бу ерда республиканинг 1945 йилгача бўлган нодир босма нашрлари сақланади. Жами тўпламда қозоқ, рус, корейс, татар, ўзбек ва бошқа тилларда 133дан ортиқ газета ва 200га яқин журнал номлари мавжуд.

Улар орасида 1913-1918 йилларда чоп этилган биринчи демократик миллий нашр – “Қазақ” газетаси алоҳида ўрин тутади.

– Газета таҳририятида “Алаш” ҳаракати етакчилари Миржақип Дулатули ва Алихан Букейханлар ҳам бор эди. Беш йил давомида 265 та нашр чоп этилган. Газета мамлакатимиздан ташқари Оренбург, Қозон, Уфа, Москва, Томск ва Санкт-Петербургга ҳам тарқатилган, – дейди Гулшат Масалимқизи. – “Қазақ” газетасининг 100 йиллиги муносабати билан тарих фанлари доктори, профессор Сағимбай Қўзибаев шундай деб ёзган эди: “Газета биринчи сониданқоқ қозоқлар ҳаётини ҳар томонлама ёритишни, ҳукумат томонидан ўз ваколатларини суиестъмол қилишларини дадиллик билан фош этишни мақсад қилиб қўйган эди. Бунинг учун у бир неча бор жаримга тортилди ва муҳаррир ҳибсга олинди. Аҳмет Байтурсулиннинг бу муҳаррирлик жасорати Қозоғистонда мунтазам газета ва журналлар чиқаришнинг бошланishi бўлди ва қозоқларни ўз тилларида даврий нашрларни ўқишга ўргатди. Кўплаб бўлажак рус ёзувчилари ва жамоат арбоблари ўзларининг биринчи фаолиятини шу газетада бошлади.

– Газетанинг 1913 йил 8 майдаги 13-сонида қизқарли хабарлар ёзилган, – дейди “Нодир китоблар ва қўлёзмалар хизмати” мутахассиси Перизат Акимбекова ва улардан бирини ўқиб берди (газета араб алифбосида чоп этилган). Унда Истанбулдан Маккага темир йўл йўналиши очилгани эълон қилинган. “Эндиликда диндорлар поездда ҳажга боришлари мумкин”, деб ёзади газета. Бундан буён бу саёҳат нафақат тез, балки хавфсиз ҳам бўлади, чунки илгари зиёратчиларга йўлда талончилар, безорилар гуруҳлари ҳужум қилишарди. Мақолада темир йўлда қулай саёҳатнинг бошқа афзалликлари ҳам тасвирланган. Газетада таълим ва диний масалалар кўтарилган, рекламалардан бирида янги китоб дўкони очилгани эълон қилинган.

– Бугунги кунда бу ерда араб алифбосидан замонавий қозоқ алифбосига ўтказилган “Қозоқ” газетасининг барча нусхалари мавжуд. Улар етти китобдан иборат эди. Ушбу китоблар миллий матбуотнинг пайдо бўлиш тарихи билан қизиққан ҳар бир киши учун жуда кўп маълумотларни беради. Кўп жилдли нашрнинг бош муҳаррири филология фанлари доктори Фарифолла Анесдир.

Республика ижтимоий-сиёсий газетаси бугунги кунда ҳам “Қазақ” номи билан чоп этилмоқда. Таҳририят кенгаши аъзоси Сағимбай Қўзибаевнинг сўзларига кўра, газета кўп йиллик аъналарга содиқ ҳолда ўз саҳифаларида қозоқ зиёлиларини ташвишга солаётган мавзуларни ёритиб боради. Булар, биринчи навбатда, тарих, этнография, қозоқ тили ва парламент ҳаётига оид масалалар.

Қозоқ тилидаги яна бир энг қадимий газета – “Ушқын” 1919 йил 17 декабрда Оренбург шаҳрида нашр этилган. 1920 йилда эса нашр “Енбек туы” номи билан чоп этилган. 1921 йилда “Енбекші қазақ”, кейинги йили эса “Енбекшіл қазақ” деб номланди. Газетага 1932 йилда “Социалды Қазақстан” номи берилди, 1937 йилда эса “Социалистик Қазақстан” деб номланди. У 54 йил давомида шу ном билан чоп этилган.

Мустақиллик эълон қилинишига санокли ойлар қолган 1991 йилда газета “Егеменді Қазақстан” деб ўзгаририлди. Шу даврда нашрга таниқли ёзувчи ва публицист Шерхан Муртаза раҳбарлик қилган. 1993 йилда у ҳозирги “Егемен Қазақстан” номини олди.

Мамлакатимиздаги энг қадимий рус тилидаги газеталардан бири “Туркестанская правда”дир. Унинг 1922 йилги тахламида халқ ва мамлакатнинг ҳақиқий ҳаёти акс эттирилган. Таълим, соғлиқни сақлаш муаммолари, саводсизликни тугатишдаги дастлабки муваффақиятлар, шўро ҳокимиятига қаршилик кўрсатганларга қарши кураш ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

Газета саҳифаларида Туркистон туб халқларининг маданий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида сўз юритилиб, алифбони ислоҳ қилиш, маҳаллий ҳокимиятни мустақамлаш, нарх-навонинг ошишига қарши курашга оид мақолалар чоп этилган. Темир йўллар, мактаблар, шифохоналар, заводлар қурилиш ҳақидаги хабарлар мавжуд. “Туркестанская правда” нафақат воқеалар солномаси, балки бурилиш палласида одамлар ҳаётини акс эттирувчи даврнинг ноёб ҳужжатиدير.

“Казахская правда”нинг биринчи сони рус тилидаги “Известия Киргизского края” газетаси бўлиб, у 1920 йил 1 январда нашр этилган, пайшанба кунлари чиқадиган ҳафталик газета эди.

## Президент

### МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИҚЛАДИ



Қадрли матбуот ходимлари! Сизларни Миллий матбуот кунини билан табриқлайман!

Ушбу байрам фидокорона меҳнати билан юрт раънақи ва давлатчилигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган матбуот ходимларига чуқур ҳурмат-эҳтиром рамзидир.


Мамлакатимиз матбуоти азалдан халқ овози, маънавиятимизнинг мустаҳкам қўрғони ҳисобланиб келган. Биз унинг бой тарихи ва таълимот аъналарини билан фахрланамиз. Миллий тафаккурни мустаҳкамлашда газета ва журналлар алоҳида ўрин тутди. Асосан босма нашрлар саҳифаларида зиёлилар вақиллари жамиятни ташвишлантираётган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирадilar.

Турли даврларда мамлакатимизда чоп этилган босма нашрлар ҳамisha эл манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилиб келган. Бугунги кунда касбий журналистларимиз ушбу шонли йўлни муносиб давом эттириб, ишончли маълумотларни тарқатиб, умуминсоний қадриятларимизни тарғиб этишда фаол иштирок этишмоқда.

Ишончим комилки, даврий нашрларимиз бундан буён ҳам бунёдкорлик ташаббусларини ҳаётга табиқ этиш, халқимизнинг янги сифатларини шакллантириш, эл бирлигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшади.

Барчангизга муваффақият ва ижодий илҳом тилайман.

Akorda.kz



### УЗОҚ ҚЎШНИЛАР, ЯҚИН ДЎСТЛАР

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ МАХСУС МАСЛАҲАТЧИСИ АКIHИСА НАГАШИМАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

– Қозоғистон Япония билан стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади. Икки давлат ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувга асосланган яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қозоғистон ва Япония бир-бирдан узоқда, лекин дўстлигимиз мустаҳкам, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, сарможий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Президент Япониянинг Қозоғистон иқтисодиётига қириртган сарможиси миқдори 8 миллиард доллардан ошганини қайд этди. Шунингдек, Қозоғистон хоржий сармождорлар, жумладан, илгор япон

компаниялари учун қулай шарт-шароитлар яратишга тайёр эканини таъкидлади.

Махсус маслаҳатчи Президентга Япония Бош вазири Шигеру Ишибанинг самимий тилакларини етказди, шунингдек, Токио Қозоғистон - Япония кўп қиррали муносабатларини янада жонлантиришга содиқлигини тасдиқлади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Акихиса Нагашима олий даражадаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаб, савдо, энергетика, транспорт, таълим, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш истикболларини, шунингдек, клим ўзгариши масалаларини муҳокама қилдилар.

24.kz. маълумотлари асосида.

## ҚОЗОҒИСТОН-КОРЕЯ УНИВЕРСИТЕТИ ОЧИЛАДИ

Туркистон шаҳрида Қозоғистон-Корея ҳамкорлигида барпо этилаётган университет қурилиши давом этмоқда. Ушбу ташаббус Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг таълим сифатини ошириш учун жаҳондаги илгор олий ўқув юрларининг филиалларини мамлакатимизда очиб вазираси ижросини таъминлаш муносабати билан йўлга қўйилган.



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров қурилишнинг боришини кўздан кечириб, ўз тавсияларини берди. Мутасадди раҳбарлар ва пудратчи компания етакчилари билан фикр алмашиб, бажарилаётган ишлар ҳисоботини тинглади.

– Қурилиш жорий йилда тугалланиб, ўқув йилига тайёр бўлиши керак. Шу сабабли, қурилиш суръатини пасайтирмай, ишлар сифатли бажарилиши зарур, – дея Н. Кўшеров 18 қаватли иморатни айланиб кўрди ва сифатли қурилиш мате-

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

### ТОЗАЛИК ЖОНКУЯРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

“Ишчи касблари йили” доирасида Тўлебий туманида “Ленгир тазалық” коммунал корхонасининг бир гуруҳ ишчиларига эҳтиром кўрсатилди. Қора меҳнати билан юрт саришталлигини, озодлигини таъминлаётган корхона ходимлари дам олиш кунини “Тау самалы” тоғ-чанги базасида ўтказишди.

Туман ҳокими Еркеғали Алимқуловнинг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тозалық ходимларига дастурхон ёзилиб, совғалар улашилди.

Шунингдек, “Биркөлик” санато-

рийси раҳбари, хусусий тадбиркор Асанбай Минбаев бир гуруҳ ишчиларга санаторийга йўлланишларини топширди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.



# ДАРАХТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИШ – ЭЗГУЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК РАМЗИДИР



## ТУРКИСТОНДА – ЯНГИ НИҲОЛХОНА

Туркистон шаҳридаги майдони 40 гектар бўлган иккинчи ниҳолхона илк кўчатларини сотишни ўтган йил кўзда бошлади. Қишқи дарахт экиш тадбирида вилоят марказидаги яшил ҳудудга янги ниҳолхонада етиштирилган 1 миллион 250 минг туп кўчат ўтказилди.

– Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари йил бўйи давом эттирилмоқда ва у ҳокимликнинг доимий назоратида, – дейди вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев, – Яқинда вилоят ҳокими иштирокида ўтган йиғилишда бу ишлар яна бир бор муҳокама қилинди. Нуралхан Кўшеров ҳудудларни ободонлаштириш муҳимлигини таъкидлаб, режалаштирилган тадбирларни сифатли амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди. Бу борада камчиликларга йўл қўйган туман ва шаҳар ҳокимлари танқид остига олинди.

Туркистон шаҳрини кўкаламзорлаштириш учун 2023-2026 йилларда 202 минг туп дарахт ўтказиш режаланмоқда. Аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш тадбирлари режасига мувофиқ вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланиш бошқармасидан 143 минг туп кўчат олинади. Туркистонда 626 гектарни эгаллаган 258та майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарда 262 гектар майдонда майсазор, 1 миллион 296 минг 363 туп дарахт ва бутазор мавжуд. Кўчатларни парваришлаш тадбирлари йил давомида – январдан декабргача амалга оширилади. Яшил майдонларга “Яшил Туркистон” давлат муассасаси масъул.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари доимий эътиборда – Келгусида шаҳардаги яшил майдонларни парваришлаш тадбирлари давлат-хусусий шериклиги доирасида амалга оширилади, – дейди Қ. Абдуалиев. – Шаҳарни ободонлаштириш йўналишида 2024 йилда 53та иншоот қурилиши режалаштирилган. Йил давомида 23та болалар майдончаси, тўртта истироҳат боғи ва хиёбонлари, 22та майдонда ободонлаштириш тизимларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Чиқиндиларни тақиқланган жойларга ташлашнинг олдини олиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, полиция бошқармаси томонидан қатор рейдлар ташкил этилди. 2023 йилда 621 нафар фуқаро жамоат жойларини ифлослантириб, руҳсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаганликлари учун огоҳлантирилди, 1066 нафар фуқаро жаримага тортилди. Тозаликни таъминлаш, аҳолининг шанбалик ва умумшаҳар ҳашарларида фаол иштирок этиш, уй-жойлар атрофини ободонлаштириш, дарахт экиш мақсадида “Мен ҳам ҳисса қўшаман” акцияси эълон қилинди.



“Тоza шаҳар-2024” танлови ташкил этилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишлари буйича тегишли кўрсатмалар берилди. Ишларнинг бориши шаҳар ва вилоят ҳокимликлари томонидан доимий назоратга олинган.

– Тозалаш ва ободонлаштириш ишларини йил давомида узлуksиз олиб бориш керак, – деди Н. Кўшеров. – Туркистон умумий шаҳримиз, унинг равнақига барчамиз ҳисса қўшишимиз керак. Ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётни ривожлантирмоқда, ammo биз ҳамон ушбу масалалар билан машғулмиз. Ҳокимларга тозалаш ва ободонлаштириш юзасидан тавсиялар беринг. Минтақамиз тупроғи ва иқлимига мослаштирилган дарахтлар ҳақида мутахассисларнинг фикрини ўрганинг. Истироҳат боғлари ва йўл бўйларидан обо-

донлаштириш ишларини олиб бораётган пудратчиларнинг фаолиятини назорат қилинг. Илдиз отмаган кўчатларнинг ўрнига, янгилари экилиши керак. Бу ишларга “Яшил ҳудуд” МЧБга қарашли ниҳолхоналарда ҳам айнан мана шундай тизимли ишлар – иқлимимиз ва тупроғимизга мос кўчатлар етиштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларни ўзимизнинг кўчатлар билан таъминлаш вазифаси бошқарма-босқич ҳал этилмоқда. Табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси ўрмон ҳўжалиги ниҳолхоналар майдонини кенгайтирмоқда. Уларнинг кўчатлари вилоят эҳтиёжини қоплади.

## ҚОРАЧИҚ ЎЗАНИ БЎЙИДА

– Ўз ниҳолхонамизни ташкил этиш зарурати Туркистоннинг яшил белбоғи барпо этилган пайдан бошлаб пайдо бўлди, – дейди “Яшил ҳудуд” давлат муассасаси директори Абутолиб Қуламетов, – Ушбу йирик лойиҳанинг муваффақиятини таъминлаш учун кўп миқдорда маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган кўчатлар етиштиришимиз керак. Кўчатни четдан сотиб олиш – муааммонинг муваққат ечимидир. Йилдан йилга ўз кўчатларимизга талаб ортаверади. Гап пулда эмас, кўчатнинг сифатида.

Янги ниҳолхонани биз Қорачиқ ўзани бўйида ташкил этдик. Унинг умумий майдони 100-120 гектарни ташкил қилади. Жорий йилда 40 гектар майдонни ўзлаштирдик, қолган ҳудудларда эса ер участкалари хусусийлаштирилган, уларни давлат тасарруфига ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Янги ниҳолхонада бир йилда бир миллиондан зиёд кўчат тайёрланиб, яшил белбоғ майдонига ўтказилди. Ҳудуд тўлиқ ўзлаштирилгач, йилга 2,5 миллион туп кўчат етиштириш мумкин.

Шаҳар атрофидаги яшил майдонларни ҳимоя қилиш учун ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш олтинчи йилдирки, изчил давом эттирилмоқда.

**Маълумот учун:**  
**Дарахтлар ҳар йили деярли 22 кг карбонат ангидридни ўзлаштиради. Ҳар бир дарахт ҳаёти давомида 1000 кг атрофида карбонат ангидрид газини ютади. Битта дарахт йил давомида 120 килограмм кислород ажратади. Тупроқ эрозиясининг олдини олади. Таdqиқотларга кўра, бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 туп дарахт керак.**

## ЎТОЛМАЙМАН, ҚАРАҒАЙГА ҚАРАМАЙ...

Шаҳар атрофида яшил ҳудуд яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар давомида мутахассислар қайси турдаги дарахт ва буталар кўпроқ мос келишини аниқладилар. Анъанага кўра, бундай иқлим шароитида энг яхши ўсадиган дарахтлар – қарағай, акация, тут, курғоқчиликка чидамли аччиқ бодом ва албатта, қора саксовул, улар умуман суғоришни талаб қилмайди.

Қарағайга алоҳида тўхталамиз. Ушбу игна баргли дарахтлар ва буталар туркуми, юртимизда ёввойи ҳолда ўсмайди. Ниҳолхонада унинг бир неча тури етиштирилмоқда. Қарағай иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик. 150 - 500 (600) йилгача яшайди, уруғидан кўпайтирилади.

Шаҳар кўчалари, хиёбонларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Қарағайнинг барча турлари ёғочи мебелсозликда, қурилишда, тахта тайёрлаш, смола ва скипидар олишда ишлатилади.

Вилоят ҳокимининг топшириғига мувофиқ, вилоятимиздаги аҳоли манзилларини ободонлаштириш юзасидан 2022-2025 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Кўчатлар экиш ва уларни парваришлаш вазифалари шаҳар ва туманлар ҳокимлари зиммасига юкланган. Вилоятда жами 852та аҳоли манзили мавжуд. 2025 йилгача 90 фоз майдонни кўкаламзорлаштириш, тўрт миллион тупдан зиёд кўчат экиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

**А. АБДУҒАТТОҲ,**

# Туркистон вилоятининг Жамоат кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳи МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

“Жамоат кенгаши тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, Туркистон вилояти Жамоат кенгашининг таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳи вилоят Жамоат кенгаши аъзоларини саралаш юзасидан танлов ўтказилганини маълум қилади.

Туркистон вилоят Жамоат кенгашининг таркиби 35 нафарни ташкил қилади. Жамоат кенгаши таркиби давлат идоралари вакилларидан ва камидан учдан икки қисми танлов асосида нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти вакилларидан шакллантирилади.

Туркистон вилоят Жамоат кенгаши аъзоллигига номзодларини нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини-ўзи тавсия қилиш орқали кўрсата олади.

Жамоат кенгаши ваколатлари мuddати уч йилдан иборат.

“Жамоат кенгаши тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Туркистон вилоят Жамоат кенгаши аъзоллиги учун номзодларга қўйиладиган талаблар:

1) Туркистон вилояти ҳудудида доимий яшайдиган, ўн саккиз ёшга тўлган Қозоғистон Республикасининг фуқароси бўлиши;

2) Қозоғистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлмағлиги;

3) суд қонунида белгиланган тартиб билан уюшган жиноятчилик ва (ёки) уюшган жиноятчилик ҳуқуқбузарлиги содир этишда айбдор деб танилмаган бўлиши;

4) руҳий, ҳулқ-атвори, жумладан, руҳий фаолликка таъсир кўрсатадиган воситаларнинг истеъмолига алоқадор касалликлар туфайли руҳий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларида рўйхатда турмаслиги шарт.

Танловда иштирок этишни истаган фуқаролар, нотижорат ташкилот вакиллари **2025 йилнинг 5 февралдан эътиборан ўн иш кунни мобайнида** Туркистон шаҳри, “Янги шаҳар” кичик тумани, 32-кўча, 18-бино – **Туркистон вилоят маслаҳати** манзили бўйича Туркистон вилоят Жамоат кенгашининг аъзоларини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳига ҳужжатларни қўлма-қўл беради ёки уни [zhumystoby@yandex.kz](mailto:zhumystoby@yandex.kz) электрон кутисига қуйидаги манзилга жўнатади:

1) номзодни Жамоат кенгаши таркибига тавсия қилиш тўғрисида нотижорат ташкилотнинг ёзма равишдаги тавсияномаси ва (ёки) фуқаронинг аризаси;

2) таржимаи ҳоли маълумотлари кўрсатилиб, номзоднинг касбий ва

(ёки) жамоат ишидаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

3) судлангани ёки судланмагани тўғрисидаги маълумотнома;

4) руҳий, ҳулқ-атвори, жумладан, руҳий фаолликка таъсир кўрсатувчи воситалар истеъмолига алоқадор хасталиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

5) номзод тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва эълон қилишга розилиги;

6) Қозоғистон Республикаси фуқаросининг шахсий гувоҳномаси нусхасини жўнатади.

**Таклифлар қоғоз шаклида: иш кунлари – душанба-жума ораллиғида соат 9.00дан соат 19.00гача (туш-ки танаффус 13.00дан 15.00гача) қабулланади.**

Пўлат Муратули ТУРСИНБАЕВ – Туркистон вилоят Жамоат кенгаши аъзоларини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари.

Еркеғали АЛИЕВ – ишчи гуруҳи аъзоси. (халқаро телефон коди – 872533), хизмат телефони рақами: 59-615, уяли. тел: +7-701-736-3610.

## Туркистон облысының Қоғамдық кеңесін қалыптастыру жөніндегі жұмыс тобының бәйнесы

Кімнен \_\_\_\_\_

(өтініш берушінің аты, жөні,тегі  
Тұратын (елді мекен, көше, үй,  
пәтер, тел. электрондық поштасы)

### ӨТІНІШ

Туркистон облысының Қоғамдық кеңес мүшелігіне кандидатурамды ұсынуға келісімді беремін (өз кандидатурамды ұсынамын).

Мен осы өтініш арқылы «Қоғамдық кеңестер туралы» 2015 жылғы 2 қарашадағы Қазақстан Республикасы Заңының ережелерімен танысқанымды растаймын және оның талаптарын сақтауға міндеттенемін.

Мынадай құжаттарды қоса беремін:

- 1) \_\_\_\_\_
- 2) \_\_\_\_\_
- 3) \_\_\_\_\_
- 4) \_\_\_\_\_
- 5) \_\_\_\_\_
- 6) \_\_\_\_\_
- 7) \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025 жыл   Өтініш берушінің қолы \_\_\_\_\_

## ҚОЗОҒИСТОН МАТБУОТИ:

### Бир асерлик тарихга назар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қозоғистонда 1918 йилдан мустақиллик давригача “Еттисув ишчи халқ мухбири”, “Деҳқон товуши”, “Кизилқишлоқ”, “Пахта зарбдори”, “Пахта учун”, “Стахановчи”, “Коммунизм учун”, “Қизил Туркистон”, “Коммунистик меҳнат”, “Коммунизм учун”, “Меҳнат байроғи” газеталари нашр этилган.

Алмати шаҳридаги Пушкин номидаги оммабоп кутубхонада “Пахта учун” газетасининг 1938 йил январь ойидан бошлаб 1960 йилгача, “Қизил Туркистон”нинг 1962-1965 йиллардаги “Коммунистик меҳнат”нинг 1962-1965 йиллар, “Стахановчи”нинг 1952 йили, “Коммунизм учун” 1954 йил, “Пахта зарбдори”нинг 1933-1935-1936 йиллар, “Меҳнат байроғи”нинг 1962 йилдан сўнгги тахталари сақланмоқда.

Республикада илк бор тўлиқ ўзбек тилида чоп этилган газета – “Деҳқон товуши”дир. Илк сони 1927 йил апрель ойида чиқарилган. Газета Сирдарё округи партия ва ижроия кўмиталарининг органи эди. Йирик шаклда, 4 саҳифали бўлиб, ҳафтасига икки марта чиқиб турган. Тахририят Шимкент шаҳрида жойлашган эди. Газетага С. Рафиқов муҳаррирлик қилган.

1928 йилнинг тахминан февраль ойларида “Деҳқон товуши” газетаси ёпилди. Унинг ўрнига “Қизилқишлоқ” газетаси чиқа бошлади. Унда, даставвал, Маҳмуд Султонов, сўнг Бобожон Мирзаев муҳаррир бўлиб ишлади.

1932 йил май ойида “Қизилқишлоқ” газетаси ёпилди. Унинг ўрнига “Пахта зарбдори” газетаси чоп этила бошлади ва унга дастлаб Сайфиддин Мухиддинов муҳаррирлик қилди.

1932 йил май ойидан эътиборан “Пахта зарбдори” 1935 йил апрели охиригача Сайрам туман партия кўмитаси, туман ижроия кўмитаси ва туман касаба уюмалари кенгашининг ҳам органи бўлиб чиқди.

Газета ҳозирги туман газеталари ҳажмида тўрт саҳифали бўлиб, 2983 нусхада, ҳафтасига икки марта чоп этилди.

Газетанинг сўнгги сони 1936 йил 23 март кунини қилди. Шу сондаги “Барча муштарийларимиз диққатига!” деган эълонда тахририят “Пахта зарбдори”нинг 28 мартдан эътиборан, Чимкент шаҳрида чиқшидан тўхтатилиб, ўша ном, шаклда туман газетаси сифатида Бўстонлиқ туманининг маркази – Ғазалкент қишлоғида чиқшини газетхонларга маълум қилади. Жанубий Қозоғистон вилоятида алоҳида туман газетаси илк бор Сайрам туманида ташкил этилди. Газета 1932 йилдан

чиқиб, Сайрам туман МТС сиёсий бўлимининг органи сифатида “Пахта учун” номи билан Манкент қишлоғида нашр этила бошлади. Газетани ташкил этишда партия ходими Файзулла Хидоятхонов, “Пахта зарбдори”нинг муҳаррири Бобожон Мирзаевлар жонбозлик кўрсатишади.

Шундай қилиб, Жанубий Қозоғистон вилоятида ўзбек тилида чиқадиган газета иккита бўлди.

“Пахта учун” газетасига 1948-1951 йиллар мобайнида Мақсад Алиқулов, 1952-1957 йилларда Файзулла Ақромов, 1958 йилдан 1962 йилгача яна М. Алиқулов муҳаррирлик қилди.

Газета 1959 йилдан эътиборан тўрт саҳифали бўлди. Туман газетаси адади йил сайин ўсиб борди. 1962 йилда 5200 нусхани ташкил этди. Юқорида тилга олинган газеталар уруш йилларига лотин алифбосида чоп этилган.

1962 йил 1 майдан бошлаб “Пахта учун” номи “Меҳнат байроғи”га ўзгартирилди. Газета уч тилда чиқа бошлади. Муҳаррир этиб С. М. Бабенко тайинланди.

Туркистон туманида илк бор ўзбек тилидаги газета 1956 йил 1 майда чиқди. Ҳафтада икки марта чиқадиган, адади 2075 нусхадан иборат Туркистон туман партия кўмитаси ва туман ижроия кўмитасининг органи “Қизил Туркистон” газетаси эди. Муҳаррири А. Абду-сатторов. Шу даврда 1930 йилда ташкил этилган қозоқ тилидаги “Қизил Туркистон” газетаси чоп этиларди.

1962 йилга келиб газетанинг номи “Коммунистик меҳнат” деб атала бошлади. 3000 нусхада чиқиб турди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Еттисув ишчи халқ мухбири”, “Деҳқон товуши”, “Қизил қишлоқ”, “Пахта зарбдори”, “Пахта учун”, “Стахановчи”, “Коммунизм учун”, “Қизил Туркистон”, “Коммунистик меҳнат” ва “Меҳнат байроғи” социализм тузимининг турли даврларида олиб борилган сиёсий-иқтисодий, ҳудудий ўзгаришлар туфайли номлари ўзгариб борса-да, аслида айна пайтда кенг ўқувчи оmmasига давлатимиз олиб бораётган изчил сиёсатини етказиб берди. “Сайрам садоси” туман рўномаси тахририятини бошқарган ҳамюртларимиз: Зухра Олимова, Худойберган Солметов, Бобожон Мирзаев, Абдукарим Дониёров, Тешабой Жаҳонгиров, Боймурод Эрметов, Қулахмад Турсунов, Хайдарқул Эшонқулов, Худойберган

Ҳўжанов, Раҳмонқул Исонов, Мақсад Алиқулов, Файзулла Ақромов, Собиржон Юсуфалиев, Юсуфжон Сайдалиев. 2008 йилдан эътиборан ушбу нашрга Абдусаттор Умаров муҳаррирлик қилмоқда. Газета 1932 йилдан “Пахта учун”, 1962 йилдан “Меҳнат байроғи” номи билан чоп этилган, 1990 йилдан буён “Сайрам садоси” номида дунё юзини кўрмоқда.

Мана, юз йилдан буён Қозоғистондаги ўзбек матбуоти ҳам жамиятимизда рўй бераётган сиёсий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётимизни акс эттириб, аҳолининг турмуш тарзи янада яхшилланишига, жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

\*\*\*

“Жанубий Қозоғистон” газетаси – Қозоғистон Мустақиллиги билан тенгдош нашр.

1991 йил 5 апрелда вилоят ҳокимлиги органи сифатида нашр этилган “Дўстлик байроғи” даврий нашри ўтган йиллар мобайнида кўп босқичларни бошидан кечирди. Ўзбек газетхонларининг табаруқ минбари, замон тақозоси билан номи ўзгарган “Жанубий Қозоғистон” бугун Президентимизнинг юртимизда олиб бораётган сиёсатини атрофича тушунтириб, халқ билан ҳокимиятни боғловчи олтин кўприк сифатида хизмат қилмоқда.

Ўтган ўттиз уч йил мобайнида “Жанубий Қозоғистон” газетасига С. Юсуфалиев, Ҳ. Қўчқоров, А. Сармонов, Ф. Қоратоев, М. Абубакиров ва А. Сотволдиевлар раҳбарлик қилишган. Улар орасида С. Юсуфалиев Қозоғистон Республикаси қақриқ парламентининг биринчи қақриқ депутаты этиб сайланган, Ф. Қоратоев икки қақриқ Қозоғистон Республикаси парламенти Мажилиси депутаты бўлиб ишлаган. Бугунги кунда А. Сотволдиев Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати депутаты.

Бугунги кунда нашр жамоасига Раимжон Алибоев раҳбарлик қилмоқда.

Вилоят аҳлига яхши таниш бўлган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг муштарийлари сони 12 минг нафарга яқин.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг илк босма нашрлари тарихи билан танишар эканмиз, газеталарнинг асосий вазифаси – аҳолини хабардор қилиш, мамлакат ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларни таҳлил қилиш, жамият ҳаётининг барча жабхаларини кўздан кечириш вазифаси ўзгаришиз қолаётганига гувоҳ бўламиз. Рақамли технологиялар асрида ҳам босма нашрлар холислик ва муштарийлар олдидаги масъулият аъналарини сақлаган ҳолда ишончли ахборот манбаи бўлиб қолмоқда.

**Авазхон АБДУҒАТТОҲ,**

»»Тарихий сиймолар

Туркистон шаҳрида ўз ховлисда мактаб очиб иқтидорли, кам таъминланган оилалар болаларини ўқитишга ҳомийлик қилган Саидносир Миржалилов (тасвирда) минтақа тарихига номи зарҳал ҳарфлар билан битилган сиймо. Октябр инқилобидан сўнг 1918 йили С. Миржалилов яратган мактабда ҳозирги Ҳамза номли ўқув даргоҳи фаолиятини бошлади.

С. Миржалилов ҳақида Шўро даврида халққа ҳақиқий маълумотлар ошкор қилинмади. Аксинча, "халқ душмани"га чиқариб, қатағонлик қурбонига айланганди. Қозоғистон Мустақилликка эришган, Саидносир Миржалилов сингари ҳалол, пок, тиниб-тинчимас ва маърифатпарвар инсонлар ҳақида етарли маълумотларга эга бўлмадик.

Саидносирнинг отаси Абдулҳай диндор, деҳқон бўлиб, мўъжазгина дўкони ҳам бор эди. У ҳаж сафарига борган чоғида вафот этган. С. Миржалилов 1884 йили туғилган. Эски мактабда саводини очиб, зехни, билимга иштиёқи боис ўз даврининг зиёли вақили бўлиб етишган. 1904 йили Муҳаммад Назарнинг ўғли Зарифбой исми тадбиркор кишининг қизи Қумройига уйланган. Қобил

# САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВ ҲАҚИДА

фарзандлар Зулфия (1905), Зарифа (1908), Шарифа (1911), Ўғилой (1914), Ровза (1918), Муборак (1924)ларни тарбиялаб, воёга етказган. 1913-1914 йиллари Саидносир Москва, Тошкент ва Қўқон шаҳарларига кўп қатнаган. Чунки, пахта тозалаш заводи қурилишини бошлаган, ўз ҳисобидан мактаб очиб, унга ҳомийлик қилаётган эди. Мактабни яширин равишда очган, сабаби, мактаб фаолиятига подшо ҳокимияти рухсат бермаган. Ушбу мактабда она тили, ҳисоб, жуғрофия, тарих фанлари ўқитилган. Татар тилидаги дарсликлар Қозон ва Оренбург шаҳарларидан келтирилган. Болаларни ўқитиш учун татар муаллим Шокиржон Иброҳимовни оиласи билан Туркистонга олиб келган. Мактабда камбағалларнинг ўғил-қизлари бепул, бекларнинг фарзандлари муаллимга ҳақ тўлаб, ўқиган. Бунинг бадалига Саидносир муаллимни маош билан таъминлаган. 1917 йили Октябрь инқилобидан сўнг С. Миржалилов мактаби эркин тарзда фаолиятини давом эттирди. Ўқувчилар кенг ва озо-

да синфхоналарда машғулот ўтишни бошлади. (Туркистонда ушбу мактаб биноси 1991 йилгача фаолият юритди. Кейин бузилиб, ўрнига ҳашаматли меҳмонхона барпо этилди).

1917 йилнинг кузида Саидносир Миржалилов шоир ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни Туркистонга, ўз уйига олиб келади. Ҳамза Туркистонда олти ойдан зиёд яшади, мактабда музика ва шеърятдан болаларга сабоқ ўтди. 1922 йили Саидносир Миржалилов Тошкентга кўчиб ўтади. Жадидчилик ҳаракатининг устунларидан бўлган С. Миржалилов шўро ҳокимияти органлари томонидан таъқиб қилинган. 1926 йили ҳибсга олиниб, Оқ денгиздаги оролга сургун қилинган. Жазо муддатини ўтагач, Семей вилоятида яшашга мажбур бўлади. 1936 йили сургундан озодликка чиқиб, атиги ўн ой эркин яшади. 1937 йил қатагон қилиниб, отишга ҳукм қилинади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби маърифатпарвар зиёлилари сингари кўп қийинчиликлар кўриб, 53 ёшида отиб ташланди.



С. Миржалиловнинг қизи Зарифа Саидносирова биринчи ўзбек кимёгар олимаси, атоқли адиб, ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг умр йўлдоши бўлган.

Мактаб очиб, иқтидорли ёшларни тарбиялаган, жадидчилик ҳаракати ҳомийси ва жангуяри сифатида маориф соҳасида кўп савобли ишларга дохил бўлган Саидносир Миржалиловнинг нури хотираси бугунги ёш авлод қалбида мангу барҳаётдир.

Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

## ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Қозоғистон Республикасининг давлат тили – эл бирлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда давлат тилининг қўлланиш доираси кенгайиб, нуфузи ортиб бормоқда. Бу мойиллик унинг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатади. Келгусида давлат тилини ривожлантиришнинг бир қанча муҳим йўналишларига эътибор қаратиш зарур.

Хусусан, давлат тилининг жамият ҳаётида, яъни давлат идоралари, корхоналар ва жамоат жойларида кенг қўлланишини рағбатлантириш зарур. Бунинг учун давлат тилини ўзлаштириш даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш ва ходимлар тил ўрганишлари учун шарт-шароит яратиш муҳим. Маданият ва санъат соҳасида қозоқ тилининг нуфузун ошириш учун адабиёт, мусиқа, театр ва кино санъатини қўллаб-қувватлаш орқали давлат тилининг маданий соҳада мустаҳкамлашига кўмаклашиш зарур. ОАВда қозоқ тилининг улушини ошириш: интернет-захиралар ва мобил иловаларни ишлаб чиқиш орқали рақамли маконда давлат тилини кенгайтиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишларни амалга ошириш орқали биз қозоқ тилининг мавқеини янада мустаҳкамлашимиз мумкин. Давлат тилининг келажаги ўз қўлимизда, уни ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Перизат ЖАППАРОВА, Мақтаарал тумани тилларни ўқитиш ҳамда ривожлантириш маркази раҳбари ўринбосари.

## ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ!

Оиладаги зўравонлик – бу оилавий-маиший муносабатлар доирасида бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказувчи ёки етказиш таҳдидини келтириб чиқарадиган ҳуқуққа зид ҳаракатдир.

Аёллар ва болалар кўпинча оиладаги зўравонлик қурбони бўлишади. Жамият иллатига айланган ушбу муаммо билан нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки бутун жамият кураш олиб бориши керак. Онгли равишда оила қурган эркак ўз оиласи учун масъулиятни ҳис қилгани, оиладаги зўравонликка йўл қўймайди. Аждодларимиз онани ҳам, болани ҳам урмасдан, ақл билан бошқаришни билган. Бинобарин, оила бахтига путур етказмасдан тинчлик ва тотувликни сақлаш керак. Бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, тинч-осойишта юрт, аҳил халқ, ибратли оила барпо этиш ҳар бир шахснинг ўз қўлида.

Агар сиз оилавий зўравонликка дуч келсангиз, жим турманг. Оилавий зўравонлик ҳолатларида жабрланувчилар ёки гувоҳлар ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилишлари керак. Оилавий зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш учун "102" рақами, оилалар, хотин-қизлар ва болалар учун ягона "111" ишонч телефони мавжуд. Шунингдек, Сайрам туман ПБ Аёлларни ҳимоя қилиш гуруҳи номига 8-775-640-20-02 телефон рақами орқали кўнгирок қилишингиз мумкин.

Аяжан АЛИХАН, Сайрам туман хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш гуруҳи номи, полиция лейтенанти.

## СПОРТ БИЛАН ОШНО УСТОЗ

"Соғ танда соғлом ақл", деганларидек, ҳануз спорт билан шуғулланиб келаётган фахрий устозларимиздан бири Абдусалом ака Ўринбосаров биз, ёшларга намуна.

Болалигидан спорт билан шуғулланганлиги боис, ўрта мактабдан сўнг 1975-1977 йиллари Совет Армияси сафида Денгиз-ҳаво кучларининг махсус отрядида Владивосток шаҳрида йигитлик бурчини ўтади. Хизмати мобайнида Сомали давлатида юз берган қўзғолонни бостиришда иштирок этди. 1977 йили июнь ойдан жамоа ҳўжалигида фаолиятини давом эттирган ҳамюртимиз 1986-1989 йиллари, ишдан ажралмаган ҳолда, Шимкентдаги жисмоний тарбия билим юртида таҳсил олди. 2003-2005 йиллари эса А. Яссавий номли ХҚТУ "Жисмоний тарбия ва спорт" факультетининг сиртки бўлимида ўқиди. 1986 йили август ойдан нафақага чиққунга қадар "Победа" (бугунги "Турон") ўрта мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб ишлади, муносиб шоғирдлар етиштирди, нафақат мактабда, балки қишлоқдаги жами жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига устозлик ва раҳнамолик қилди. Олий тоифали устоз А. Ўринбосаров тайёрлаган ўқувчилар жамоаси 1997-2014 йиллар мобайнида волейболдан шаҳар, вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишди, совриндорлар сафида бўлдилар. Шоғирдлари орасида 6 нафари волейболдан ҚР чемпионатида ғолиб бўлиб, бугунги кунда Туркистон шаҳар ва вилоят терма жамоасида тўп суришади. Бир шоғирди эса волейболдан ҚР спорт устаси талабаларини бажарди. Устознинг иш-тажрибаси бир неча бор шаҳар миқёсида оммалаштирилган. 2019 йил нафақага чиқиб, бугун қишлоқ фахрийлари сафида фаол иш олиб бормоқда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилмоқда. Қорачиқ қишлоқ округи спорт федерацияси президенти сифатида қишлоқда волейбол, футболнинг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзи ҳамон эрталаб 5 км масофага югуришни давом эттириб, ёшларга ўрнак бўлмоқда.

Меҳнат фаолияти мобайнида "Ибратли устоз" кўкрак нишони, қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Абдусалом ака умр йўлдоши ҳамшира Роза Алиакбар қизи Сиздиқова билан 5 нафар фарзандни муносиб воёга етказишди. Қизлари Наргиза ва Райҳон – ўз хонадонларининг саришта беклари, Динора – бошланғич синф ўқитувчиси. Ўғиллари Улугбек ва Абдурахмон – жисмоний тарбия фани ўқитувчилари. Оила аъзоларининг барчаси спортга ошно.

Саид ТУРСУНМАТОВ.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти тажрибали мураббий, М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети доценти, филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори Ёрмуҳаммад Мадалиевга падари бузруквори ХУДОЙБЕРГАН отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

## "БАЙТЕРЕК"ДАГИ ИБРАТЛИ ТАДБИР

ЎКИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ СОҲАСИ ФАХРИЙСИ УЧҚУН КОМИЛХОН ЎҒЛИ 63 ЁШДА

Саврон тумани маркази Чўрнок қишлоғида кўп йиллар энергетика соҳаси мутасаддиси бўлиб самарали фаолият юритган, эл эъзозидидаги Учқун Комилхон ўғлининг 63 ёшга тўлишига бағишланган тадбир вилоят марказидаги тадбиркор Собир Отаев барпо этган "Байтерек" тўйхонасида ўтди.



Учқун Қорабоев умр йўлдоши Замира Султонмурод қизи билан қобил фарзандлар – Эркинжон, Элдор, Гузал, Элёрларни тарбиялаган, ширин неваралар кўрган ибратли оила соҳиб. Кўёв-келинлар Шаҳноза, Бибирабо, Фарҳод, Мунаввар ҳам хизматда, ҳам иззатда. Уларнинг барчаси "Жанубий Қозоғистон" газе-

тасининг фаол обуначилари. Келажақда Учқун Комилхон ўғлининг электр таъминоти соҳасидаги фаолиятини ўғли Эркинжон самарали давом эттиришига ишончимиз комил. Ҳамкасблар, қариндош-уруғ ҳамда кадрдон қудалар иштирок этган тадбирда кадрдон меҳмонлар, хусусан, вилоят маслаҳати депутати Баймахан

Сулейменов, Саврон тумани УЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбековлар тантана соҳибини муборакбод этиб, кифтига тўн ёпиб, ташаккурнома тақдим этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Учқун Комилхон ўғли оила даврасида; қизи Гузал умр йўлдоши Фарҳод билан.

»» Заковатли миллат



## Шеърнинг орқали – миллий қадриятлар

2021 йил Мархабат Байғут асарларини тарғиб қилишдан бошланган "Туркистоннинг танланган асари" тадбирида 2025 йил учун танланган шоирлар куйидагилар:

Шоир, "Алаш" адабий мукофоти совриндори – Бақитжан Алдияр, шоир, "Алаш" халқаро адабий мукофоти совриндори – Алибек Шегебай, шоир, "Дарын" ёшлар мукофоти лауреати – Бекжан Аширбаев ва ёш шоир – Мухаммедали Кенжетайулининг асарлари танланди.

Бақитжан Алдиярнинг асарлари қозоқ поэзиясининг чуқур фалсафий гоғялари, миллий қадриятлари ва замонавий муаммоларини акс эттиради. Унинг шеърляти инсоннинг ички олами ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида чуқур мулоҳазалар билдиришга ундайди. Алибек Шегебайнинг асарларида қозоқ халқи тарихи ва маданияти, унинг маънавий олами, ўтмиш ва бугунги кун ўртасидаги боғлиқлик бадий тил орқали баён этилган.

Бекжан Аширбаевнинг шеърляти ёшлар қалбига яқин, ижтимоий муаммолар ва инсониятнинг умумий келажаги ҳақидаги масалаларни ёритади.

Мухаммедали Кенжетайули ўзининг раван ва ўткир сўзлари билан китобхонни фикрлашга ундайди. У замонавий дунёдаги энг долзарб мавзуларни ўзига хос услубда ёритади. Акциянинг асосий мақсади – Қозоғистоннинг ёш ва иқтидорли шоирларини элга танитиш, уларнинг ижодини оммалаштириш ва адабиётга қизиқишини оширишдир.

Азиз китобхонлар!

Сизни ушбу танланган асарларни ўқишга таклиф қиламиз! Ҳар бир асар чуқур ўй ва туйғуларга бой бўлиб, миллий маданиятимиз бойлигини авлодларга етказишда алоҳида аҳамиятга эга.

Нигора РЎЗАҚУЛОВА,  
Низомобод қишлоқ кутубхонаси ходимаси,  
Сайрам тумани.

## КИТОБ – ТАФАККУР ҚАНОТИ



Бу қанот мустаҳкам бўлса, маънавият ҳам мустаҳкамдир. Китоб – руҳиятимиз озукаси, маънавий дунёимизни бойитади. Китоб мутлоаси, ёш китобхонлар учун ҳам ёши катталар учун ҳам қалб чироғи, тафаккур демакдир. Соҳибқирон Амр Темур: «Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишининг асоси», деган.

Эски Иқон қишлоғидаги 1-умумтаълим мактаби директори Ҳамида Чолдонваннинг ташаббуси ҳамда мактаб кутубхонаси билан тигиз ҳамкорлиқда "Мутлоага эътиқодли ёшлар!", "100та сара китоб", "Илғор китобхон", "Оилавий китобхонлик – азалий қадрият" каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мактабимиз ўқувчилари туман, вилоят миқёсида ўтаётган турфа китобхонлик танловларида фаол иштирок этаётганлиги дилни қувонтиради.

Январь ойда Туркистон вилояти таълим бошқармасининг "Таълимни такомиллаштириш маркази" ДКК ташаббуси билан "Китобхон мактаб – китобхон миллат" лойиҳаси асосида ўтказилган "Китобхон" танловига мактабимизнинг 11- синф ўқувчиси Оруз Элбурсова, 9-синф ўқувчиси Динара Аймахановалар иштирок этиб, фахрли иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. Уларни эришилган ютуқ билан самимий муборакбод этамиз. Зиёли аждодларимиз азалдан китобни қадрлаб, қадр топганлиги бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Замира ТУРСУНМАТОВА,  
Эски Иқон қишлоғидаги 1-сонли  
умумтаълим мактабининг кутубхоначиси.

Тасвирда: Замира Турсунова китобхонлар танлови ғолиблари билан.

## »» Дўстлик ришталари

**"Хушвақт"**  
телекўрсатувни –  
Сайрамда!

Ўзбекистон телевидениесининг "Маҳалла" канали ижодкорлари яқинда Сайрам диёридаги "Ақниёт" тантаналар саройига ташриф буюриб, "Хушвақт" кўрсатувининг навбатдаги сонини тасвирга олдилар.

Тадбир аввалида таниқли суҳандон ва бошловчи Толибжон Исроилов кўҳна ва навқирон заминга илк бора ташриф буюргани, қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги азалий экани, сайрамликларнинг қадимдан санъат ва адабиётни чуқур қадрлашдан хабардорлигини мамнуният билан таъкидлади.

Номинг улур азал, Сайрам!  
Битай сенга газал, Сайрам!  
Сен – Маккаю Мадинамансан,  
Она юртим, гўзал Сайрам!  
Жаҳон илмин уққан сенсан,  
Ёвлар қаддин буккан сенсан,  
Яссавийни туққан сенсан,  
Она юртим, гўзал Сайрам!



Бошловчи Т. Исроилов мазкур телекўрсатув ташаббускори таниқли санъаткор Толиббой Ниёзхожиев эканлигини алоҳида таъкидлаб, унга самимий миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг устоз санъаткор, тумтоз кўшиқлар ижрочиси Тўлқинжон Ҳасанов "Дилхирож", қорабулоқлик лирик хонанда Неъматжон Йўлдошев шоир Мирпўлат Мирзонинг шеърига басталанган "Она юртим, гўзал Сайрам" кўшиқларини ижро этдилар.



болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси Умид Умаров дўмирада "Саржайлау" қозоқ халқ куйини ижро этиб берди. Кўрсатувда жорий йили 50 йиллиги нишонланган "Ғунча" ашула ва рақс халқ дастасининг хушовоз хонандалари Мирабдумажид Мирҳошимов, Фаридат Тўйметова, Биродар Ботиров ва Баҳром Бегметовлар "Туркистон" кўшигини ижро этиб, барчанинг олқишига сазовор бўлдилар.

Тасвирга олиш жараёнида сўз олган шоира Эркинот Султонова "Она шаҳрим – Сайрамим!" шеърини ўқиб берди. Ўзбек эстрада санъатининг ёрқин намоёндаси, фалсафий кўшиқлар ижрочиси Рустам Ғойпов эса янги замонавий тароналарни армуғон этди.

Тадбир якунида "Хушвақт" телекўрсатувни ижодкорлари – бошловчи Толибжон Исроилов "Дўстлик" кўкрак нишони, режиссёр Фарҳод Тўлаганов ва маъмур Маъмура Юсуповалар ҚР ўзбек этномаданият бирлашмаси "Дўстлик" ҳамжамияти ва Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг совғалари билан тақдирландилар.

**З. МҮМИНЖОНОВ.**

Тасвирларда: "Хушвақт" телекўрсатувини тасвирга олиш жараёнидаги лавҳалар.



Муроджон Абдураимов раҳбарлигидаги "Чашма" халқ чолғу дастаси ижросидаги "Юрт мадҳи" куйи, Сайрам даҳасидаги "Туркистон" мактаби ўқувчиларининг қозоқча ва ўзбекча, шунингдек, вилоят турк этномаданият бирлашмаси рақс дастасининг миллий рақслари дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этувчи мазкур кўрсатув мазмунига ҳамоҳанг бўлди. Шунингдек, санъаткорлар Толиббой Ниёзхожиевнинг "Дилбарим", Каримжон Абдуллаевнинг "Лола" кўшиқлари кўрсатувга жозива бахш этди. Ёш хонандалар Фаррух Ҳакимжонов, Расул ва Муҳаммадали Шамслар ижросидаги замонавий кўшиқлар ҳам барчага манзур бўлди.

Сайрам даҳасида фаолият юритаётган 4-сонли

## »» Обуначиларимиз орасида

Фаол обуначимиз, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисаси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, Муҳаббат Саидахмад қизининг хайрли ишлари кўп.

**WOW PLOVдаги  
хайрли тадбир**

Хусусан, "Жанубий Қозғоғистон" газетасининг Туркистон шаҳрида ўтган 30 йиллик юбилейига Шимкентдан ташриф буюрган таҳририят ходимларини ўзи барпо этган меҳмонхонадан жой бериб, иссиқ таом билан таъминлаган. Буни миннатдорчилик билан эътироф этамиз. М. Иброҳимовнинг

тадбиркор фарзанди Фаррух Фозил ўғли Туркистон шаҳри марказидаги WOW PLOV масканини барпо этиб, хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлашдан аввал бир неча йил хорижий давлатларда ишлаб, тажриба тўплаб, хизмат кўрсатиш соҳаси сирларини мукамал ўрганди. Айни пайтда

Туркистон шаҳри марказидаги Шимкент йўли бўйида жойлашган, "Карвонсарой" мажмуаси таркибидagi WOW PLOV миллий таомлар ошхонаси вилоят маркази аҳолиси ҳамда минглаб зиёратчиларга мазали таомлар тайёрлаб, шуҳрат қозонмоқда.

Фаррух Фозил ўғли умр йўлдоши Дилноза Фарҳод қизи билан Маккаю Мадинага умра сафарига бориб келишди. Шукрона сифатида WOW PLOV ошхонасида кам таъминланган оилалар соҳибаларини фарзандлари билан тақдир этиб, мазали таомлар билан меҳмон қилиш баробарида совға-саломлар ҳам улашиб, улкан савобга дохил бўлишди. Тадбирда Туркистон шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров фаол иштирок этди. Хайрли мақсадларни кўзлаган ишларига муваффақият тилаймиз.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Тасвирларда: WOW PLOV ошхонаси; Р. Қўчқоров, Ф. Иброҳимов, М. Иброҳимова ва Д. Фарҳод қизи.

Муаллиф суратга олган.

**МЕҲНАТИ ИЛА  
ҚАДР ТОПГАН ИНСОН**

Пардаали Матқобулов Ёрғоллик қишлоғида туғилган. 1974 йили мактабни тамомлаб, давлат хўжалигида оддий ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. "Социалистик мусобақа ғолиби", "Социалистик меҳнат зарбдори" унвонлари билан тақдирланган.

Мавлуда Анормат қизи билан оила қуриб, фарзандлари Ваҳоб, Шаҳзода, Шаҳризодаларга муносиб тарбия беришди. Ҳозирги кунда фарзандлари ҳаётда ўз ўрнини топишган ва ҳаётини муваффақиятларга эришган инсонлар.

– Неваера-чевараларимизнинг ардоғидамиз. Бундан ортиқ бахт борми, инсон учун. Фарзандларимиз ҳам ҳалол меҳнати билан ўз бахтига эришяётган инсонлар сифатида камол топишди. Инсон доимо бахтли бўлишга интилиб яшайди. Туғилиб ўсган, камол топган юртинга хизмат қилиш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, бундай шарафли вазифа йўлида элим деб, юртим деб ёниб яшаш – улкан саодат, – дейди отахон. – Ёшларга ҳавасим келади. Юртбошимиз жорий йилни "Ишчи касблари йили" деб эълон қилди. Бугун мамлакатимизда фидойилик кўрсатаётган киши борки, меҳнати қадр топиб, эл орасида обрў-эътибор қозонмоқда. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ҳаёт синовлари ва машаққатларини ирода, матонат, сабру тоқат билан енгиб ўтган кишиларгина чинакам бахтга эриша олади.

– Газетамиз ҳақида фикрингизни билдирсангиз...



– Биринчи бўлиб "Жанубий Қозғоғистон"ни ўқийман. Унда маънавият ва маърифатга кенг ўрин берилганлигини мамнунман. Зеро, фарзандларимиз тарбиясида уларнинг аҳамияти жуда муҳим. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. "Яхшилар ибратини", "Жаннат – оналар оёғи остида", "Хотира – муқаддас" рухналари остида бериб борилаётган мақолалар ҳар бир газетхонда кизиқиш уйғотиши табиий. "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридур", деб бобокалонларимиз бежиз айтмаган. Шу боис "Яхшилар ёди" рухнадаги мақолаларнинг мунтазам чоп этилишини истардим. Уларни ўқиб, кўз олдимишга ўтган асрнинг урушдан кейинги йиллари беихтиёр ёдимизга ташулади, ҳаёлан шу даврда яшаб ўтган инсонлар билан суҳбат қургандай бўласиз. Менинг отам Асқар Матқобулов ҳам Улуғ Ва-

тан урушида иштирок этиб, ярадор бўлиб қайтган. Ўтган асрнинг 33 йилларида юз берган очарчилик ҳақида айтиб берадди, раҳматли отам. Очарчилик миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритгани тарихдан маълум. Ҳатто марҳумларни қабрга қўядиган одам топилмай қолган пайтлар ҳам бўлган экан.

Ҳам қишлоқларидан Пардаали Асқар ўғли ҳақида кўп мақтов эшитдик. – Бундай кишилар ном чиқариш учун яшамайдилар, ўзларини ўзгалардан айро тутишмайди. Булар хокисор, қалби дарё одамлардир.

Мен шундай инсонлар билан замондош эканлигимдан фахрланаман, – деди қариялардан бири Давронбек Пирназаров.

Байрам кунлари неваралари келганларида умр чорраҳасида қолган изларига шуқроналик ҳиссини туяди отахон. Пардаали Асқар ўғли она кишининг тарихи билан ҳам қизиқиб келаётганига кўп йиллар бўлди, анчагина қизиқарли маълумотлар тўплаган. Хусусан, отаси Асқар Матқобулов билан бирга жамоа хўжалигини ташкил этган инсонларнинг номи унутилмас, дейди. Туман ўзбек этномаданият бирлашмасининг музейи бўлиши керак, деб ҳисоблайди отахон.

– Падали бузрукворимнинг "Ҳаётда шундай яшагинки, ортиндан яхши из қолсин", деганлари ҳамиша ёдимда. Шундай инсоннинг муқаддас ошиёнида камол топганимдан ҳақли равишда фахрланаман, – деди у суҳбатимиз якунида.

С. МИРЗО.

**Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхан БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22  
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги уқун икратликлари, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒРҮ00022503 гувоҳнома берилган.  
"ERIJUR-online" МҲБ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқўлов кўчаси, 22.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.